O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY K...
INV.№ 181200

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 22 ноябр чоршанба
Сотувда эркин нархда
№ 234 (2531)

# ПРЕЗИДЕНТНИНГ РИМДАГИ УЧРАШУВЛАРИ

Италия иқтисодий жиҳатдан дунёнинг энг олди давлатларидан бири ҳисобланади. У “Катта еттилик”, Европа Иттифоқи, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти каби кўплаб нуфузли тузилмаларнинг катта салоҳиятга эга бўлган аъзоси. Италия халқаро иқтисодий интеграция жараёнларини ривожлантириш, минтақаларда тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш борасидаги кўплаб тадбирларда фаол иштирок этмоқда.

У сўнгги йилларда, айниқса, иқтисодий соҳада катта ютуқларга эришаётир. Хусусан, ҳозир ишлаб чиқариш бўйича дунёда олтинчи ўринда туради, мамлакатда ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда мамлакатдаги мавжуд корхоналарнинг эллик фоизи шу икки тармоққа тегишли.

20 ноябр куни, расмий ташриф билан Италия Республикасига жўнаб кетар экан, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов журналистларга берган интервьюсида шуларни алоҳида таъкидлади. Жумладан, Ўзбекистон билан Италия ўртасида ўрта ва кичик тадбикорликни ривожлантириш борасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш муҳим аҳамиятга эгалигини ва мазкур давлат тажрибаларидан кенгроқ фойдаланиш лозимлигини айтди.

— Италия билан ўзаро алоқаларимиз ҳар томонлама тобора ривожланиб бормоқда, - деди Президент. — Италия раҳбарларининг юртимизга ташрифи, Ўзбекистон раҳбарияти делегацияларининг Италияга сафарлари асносида кўплаб ҳужжатлар имзоланган, ҳамкорлигимизнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилган.

Хусусан, ҳозир юртимизда олтмишдан ортиқ Ўзбекистон-Италия қўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Улар енгил саноат, озиқ-овқат маҳсулотлари, мебел ишлаб чиқариш, транспорт ҳамда сайёҳлик соҳаларини ривожлантириш билан шуғулланаётир.

Ислом Каримовнинг Италияга бу галги — иккинчи расмий ташрифи чоғида ўнга яқин ҳужжат имзоланиши кутилмоқда. Улар, асосан, икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантиришга қаратилган. Шунингдек, уюшган жиноятчилик, терроргчилик ва наркобизнесга қарши ҳамкорликда кураш бўйича ҳам ҳужжат имзолаш режалаштирилган. Ташриф доирасида Италиянинг янги раҳбари — Президент Карло Адзелио Чампи, шунингдек, ҳукумат ва парламент аъзолари, ишбилармон доиралар вакиллари билан учрашувлар ўтказилади.

Интервью сўнггида мамлакатимиз раҳбари ўзининг Италияга мазкур ташрифи икки томонлама алоқаларни янги босқичга кўтаришига умид билдирди. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, Италия томони ҳам Ўзбекистон билан муносабатларни янада мустаҳкамлашга катта қизиқиш билан қарамоқда.

**Равшан МАҲМУДОВ,**
**ЎзА мухбири.**



**РИМ, 21 ноябр. ЎзА махсус мухбири Анвар Каримов хабар қилади:**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташрифининг иккинчи куни Италия Республикаси Президенти Карло Адзелио Чампи билан учрашувдан бошланди.

Дастлаб Италия Президентининг Квиринали саройидаги қароргоҳида ўзбекистонлик олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Ислом Каримов ва Карло Чампининг расмий делегациялар аъзолари иштирокида ўтказилган учрашувида ўзаро муносабатлар, алоқаларнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболлари хусусида сўз борди.

Шундан сўнг мамлакатимиз делегацияси Римдаги алоҳида давлат — Ватиканга йўл олди. Бу ерда Ислом Каримов билан Рим Папаси Иоанн Павел Иккинчининг учрашуви бўлиб ўтди. Рим Папаси ҳар куни ўз ибодатларида Яратгандан Ўрта Осиё давлатлари, хусусан, Ўзбекистон халқига тинчлик, қут-барака ва осойишталик тилашини айтди.

Ислом Каримов Рим Папасига зарбоф тўн тақдим этди.

Мамлакатимиз Президенти Ватикан ҳукуматининг раҳбари кардинал А.Содано билан ҳам учрашди.

Президентимиз Италиянинг етакчи ташқи савдо ташкилотлари — Ташқи савдо институти, “САЧЕ” ва “СИМЕСТ” ташкилотлари раҳбарлари билан мулоқотда бўлди.

Маълумки, “ФИАТ” гуруҳига кирувчи “Кейс-Нью Холланд” компанияси Ўзбекистонда кенг фаолият юритиб келаяпти. Римда Ислом Каримов мазкур компания раҳбарларини қабул қилди.

Оқшом Ислом Каримов Италия Республикаси ташқи ишлар вазири Ламберто Дини билан суҳбатлашди. Унда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисида сўз борди. Учрашув якунида икки томонлама ҳужжатлар имзоланди.

Президент Ислом Каримовнинг Италияга расмий ташрифи давом этмоқда.

**(ЎзА)**

## Мамлакатимизда

### Алломалар меросига бағишланди

*Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган анжуманда Мотуридий ва Марғиноний меросини ўрганиш устида илмий-тадқиқот ишлари олиб бораётган шарқшунос, исломшунос олимлар, хорижий мутахассислар, дипломатлар ҳамда журналистлар қатнашдилар.*

*Анжуманда жаҳоннинг турли мамлакатларидан келган олимлар ўзаро фикр ва тажриба алмашдилар. Унда иштирок этган республикамиз оммавий ахборот воситаларининг вакиллари бу икки аллома тўғрисида ўзлари учун муҳим маълумотларни олдилар.*

*Анжуманда Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси З. Ҳусниддинов ва Бош вазир ўринбосари Ҳ. Кароматов иштирок этди.*

### Метрологлар анжумани

*Кеча Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлигида ушбу тармоқ фаолиятида метрологиянинг ўрни мавзуидаги илмий анжуман ўз ишини бошлади. Унда Россия Федерацияси, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон Республикаларининг вакиллари, мамлакатимиз почта ва телекоммуникация тизими мутасаддилари иштирок этишмоқда.*

*Анжуманни мазкур агентлик бош директори Фатхулла Абдуллаев кириш сўзи билан очди.*

*Айни пайтда метрология соҳасида 3219 та замонавий ўлчов асбоблари ва ускуналари мавжуд бўлиб, улар ёрдамида исталган ҳудуд ва баландликдаги ҳаво ўзгаришларини аниқ ҳисоблаш мумкин. Шунга қарамасдан, соҳада ечимини кутаётган муаммолар ҳам талайгина. Хусусан, тармоқ фаолиятига замонавий техника ва технологияларни жорий этиш, метрология хизматининг сифати ва маданиятини ошириш давр талабидир.*

*Икки кун давом этадиган анжуман давомида метрология соҳаси олдида турган шу каби масалалар атрофлича муҳокама этилади ва уларни ҳал этиш юзасидан амалий таклифлар кўриб чиқилади.*

### Миллий мафкура ҳақида иншо

*Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтида «Миллий мафкура — келажак пойдевори» мавзусида ўтказилган иншолар танлови ўз ниҳоясига етди.*

*Ижодкор талабаларни рағбатлантириш борасидаги ишларни қўллаб-қувватлаш, ёшлар тарбиясига изчил ёндашиш, уларнинг ижтимоий фаол турмуш тарзи борасидаги кўникмаларини ривожлантириш мақсадида ўтказилган бу кўрик-танлов талабаларнинг эртанги куни учун ҳам фойдали бўлди. Чунки, миллий мафкура ҳақида иншо ёзиш ҳар бир талабада Ватанга бўлган муҳаббатни ошириши шак-шубҳасиз.*

*Ғолибларга институт «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари, профессор Жуманиёз Раматов мукофотларни топширди. Бу йилги Президент стипендиати Искандар Юнусов биринчи ўринни олди. Дилшод Усмонов, Гулруҳ Мусаева ва Ойбек Шукуровга эса совринли ўринлар насиб этди.*

Янгиликлар, воқеалар, фактлар




## Курраи заминда

### Музокарадан наф йўқ

*Яқин Шарқда Исроил билан Фаластин ўртасидаги вазият ҳамон кескинлигича қолмоқда. Куни кеча Ғазо секторида бомба портлаши оқибатида яна икки нафар киши қурбон бўлган. АҚШ Президенти Билл Клинтон журналистларга интервью бериб, Фаластин можаросига ҳам тўхталди. Унинг фикрича, Ғазо сектори ва Иордан дарёси ғарбий қирғоқларида авж олган зўравонликлар тугамагунча Исроил ва Фаластин етакчиларини музокарага чорлашдан наф йўқ.*

### Қочқинлар киритилмаяпти

*Покистон ҳукумати қарори билан афғонистонлик қочқинлар мамлакатга киритилмаяпти. Бу Афғонистон билан чегарадош ҳудудларда ижтимоий аҳвол оғирлашувига сабаб бўлмоқда. Айни пайтда чегарада минглаб афғонистонлик тўпланиб турибди.*

*Яшаш учун ҳеч қандай шароит бўлмаган бу ҳудудларда озиқ-овқат танқислиги ва ҳаво совуқлиги оқибатида ҳаётдан кўз юмаётганлар ҳам йўқ эмас.*

### Киселёв сўроқ қилинди

*Куни кеча НТВ телеканали директори Евгений Киселёв Россия Прокуратурасида қарийб уч соат давомида сўроқ қилинди. Дастлаб кузатувчилар ушбу «йўқлов»ни НТВ телеканали орқали бундан бир неча йил олдин намойиш этилган дастур билан боғлиқ, дейишганди. Аммо телеканал директорининг сўзларига қараганда, сўроқ давомида мамлакатдаги алюмин ишлаб чиқарадиган корхоналарни хусусийлаштиришдаги криминал ҳолатлар бўйича тайёрланаётган кўрсатув хусусида маълумотлар олинган. Ушбу воқеа НТВ Россиядаги ягона мустақил телеканал мақомини йўқотгандан сўнг икки кундан кейин рўй берган.*

### Конституцияга тузатиш

*Яман парламенти мамлакат Конституциясига Президент ва депутатлар ваколатини икки йилга узайтириш ҳақида киритилган тузатишни тасдиқлади. Энди Президент етти йилга, парламент вакиллари олти йилга сайланади. Лекин бу ўзгартиришлар ҳали умумхалқ референдумида маъқулланиши керак.*

**ИНТЕРНЕТ хабарлари асосида тайёрланди.**

Янгиликлар, воқеалар, фактлар

## Олий Мажлисда

### Лойиҳа халқаро эксперт нигоҳида

Кеча Олий Мажлисда Олий Мажлис ҳузуридаги амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Олий Мажлис Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ҳамда Ўзбекистонда Давлат бошқарувини такомиллаштириш ва давлат хизматидаги ислоҳотларга кўмаклашувчи TACIS дастури иштирокида ўтган давра суҳбатида Олий Мажлиснинг IV сессияси муҳокамасига киритилган «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси муҳокама этилди.

Олий Мажлис ҳузуридаги амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти директори Ахтам Турсунов, Олий Мажлис Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Нурдинжон Исмоилов «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонун лойиҳасининг моҳияти, қандай эҳтиёж туфайли юзага келгани, яратилиш ҳамда муҳокама этилиши жараёни ҳақида гапирдилар. Шундан сўнг Европа Иттифоқи эксперти, юридик фанлари доктори, Гамбург университети профессори Отто Люхтерхандтнинг маърузаси тингланди. У ўзининг бир соатга яқин қилган чиқишида мазкур қонуннинг жаҳон мамлакатларида қўлланиш амалиётига доир тажрибалар ва муаммолар хусусида батафсил тўхталди. Хўш, бу тажриба ва муаммолар сессия муҳокамасига киритилган «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳасида қандай акс топган, унинг ўзига хос жиҳатлари, ютуқ ва камчиликлари нималардан иборат, яна нималарга эътибор қаратиш муҳимлиги ҳақида гапирди, таклиф ва мулоҳазаларини билдирди.

Давра суҳбати сўнггида мазкур Қонун лойиҳаси юзасидан депутатлар, ҳуқуқшунос ва мутахассислар баҳс-мунозара қилдилар.

**Ўз мухбиримиз.**

<u>*Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида Умумжаҳон бола ҳуқуқлари куни муносабати билан «Бола ҳуқуқлари ва қонун» мавзуида халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.*</u>

### Бола ҳуқуқлари ва қонун

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Буюк Британиянинг мамлакатимиздаги «Болаларни қутқаринг» жамғармаси, Халқаро Қизил Хоч қўмитаси, Америка Юристлар Ассоциациясининг «Жиноят ҳуқуқи» Дастури, БМТнинг Ўрта Осиёда гиёҳванд моддаларни назорат қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармаси, ЮНИСЕФ болалар жамғармасининг халқаро эксперт ва вакиллари унинг ташаббускори бўлишди.

Уюшган жиноятчиликнинг олдини олишда миллий назорат жиҳатидан келиб чиқиб бола ҳуқуқларини ҳимоялаш, вояга етмаганлар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш, соғлом авлодни шакллантириш борасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, ногирон болалар ҳуқуқлари, Ўзбекистонда жамоат ташкилотларининг фаолиятида Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциянинг татбиқ этилиши, Ўзбекистон Болалар жамғармасининг фаолияти ҳақидаги маърузалар тингланди. Ёшларни ватанпарвар, қадриятларимизга садоқатли инсонлар қилиб тарбиялаш, миллий меросимизни асраб-авайлаш, эъзозлашни ёшликдан болалар онгига сингдириш, уларнинг ҳуқуқларига оид халқаро ва миллий қонунчиликни аҳолининг кенг оммасига етказиш катта аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

**Музаффар НОРМАТОВ.**

### Божхоначилар учрашуви

Урганч шаҳрида Ўзбекистон ҳамда Туркманистон республикалари божхона хизмати ходимларининг минтақавий учрашуви ўтказилди. Унда чегара ҳудудларида божхона хизмати ходимлари касб маҳоратларини ошириш, турли қонун бузилишлари, хусусан, наркотик моддалар, қурол, шунингдек, маданий бойликлар олиб ўтилиши ва олиб келинишининг олдини олиш юзасидан кенг фикрлашилди.

Учрашувда Хоразм вилояти ҳокими И.Бобожонов иштирок этди.

**С. АВАЗ.**

### Байрамларга тайёргарлик қизғин

Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун — 8 декабр — умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш республика ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлди. Шунингдек, мажлисда Янги йил байрамида “Президент арчаси”ни ўтказишга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш борасидаги масала ҳам кўриб чиқилди. Унда тегишли вазирлик, қўмита, идора, уюшма, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ҳ.Кароматов бошқарди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда мазкур саналар ҳар йили катта тантаналар билан кутиб олинади. Янги аср бўсағасида 8 декабр нафақат Қомусимиз байрами сифатида, балки озодлик, ҳурлик, инсонийлик, меҳр-мурувват ва саховат рамзи сифатида ҳам янада кенг нишонланади. Чунки Асосий Қонунимиз мустақил мамлакатимиз ҳаётининг бош дастури, инсон ҳуқуқлари, миллий ва умумбашарий қадриятлар, адолат ва қонун устуворлигининг бош белгисидир.

Айни вақтда мамлакатимизда бошланган бундай хайрли тадбирлар янги йил байрами тантаналарига ҳам уланиб кетади. XXI асрнинг дастлабки йили ер юзида катта тантаналар билан кутиб олинади. Мамлакатимизда ҳам янги асрнинг биринчи йили халқимизнинг миллий урф-одатларидан келиб чиққан ҳолда одатдагидан ўзгача шоду хуррамлик билан қарши олиниши шубҳасиз. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жойларда ташкил этиладиган “Президент арчалари” атрофида ўтказиладиган тадбирлар юртимиз келажаги бўлмиш болаларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яна бир ифодасига айланади.

Мажлисда халқимизнинг азалий одатларига кўра, байрамларда эҳтиёжманд ва кўп болали оилаларнинг фарзандларига, айниқса, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига беғараз ёрдам ва мурувват кўрсатилиб, Президентимиз номидан Янги йил совғалари топширилиши алоҳида таъкидланди.

**(ЎзА)**

## Омилкорлик

### Аввал дон олдик, кейин картошка

— дейди Жалолқудуқ туманидаги «Қўштепа» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Мадаминжон ИМИНОВ

**О.ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири**

— Ҳосилдорлик қандай бўлди?

— Ғаллани сўраяпсизми ёки пахта билан картошканими?

— Ҳали сизларда картошка ҳам экилганми?

— Бўлмаса-чи! Буғдойдан бўшаган 13 гектар ерга картошка экдик.

— Буғдойдан кейин ҳам...

— Кимки буғдойдан бўшаган пайкалда картошка битмайди, деса, хато қилади. Ерларимиз олтинга тенг. Фақат экинни оби-тобида суғориш, озиқлаштириш, чопиқни вақтида ўтказиш керак.

Ҳа, картошка экилган майдонлар деҳқончиликда кўзи пишиб, суяги қотган 40 нафар оилавий пудратчига бўлиб берилди. «Диомат» навли янги, серҳосил уруғлик картошкани сотиб олишга ҳамма ижарачининг ҳам қурби ставермаслиги, минерал ўғит масаласида деҳқонларнинг боши қотмаслиги учун, барча сарф-харажатларни хўжалик ўз зиммасига олди. Бундан ташқари, пудратчилар техника воситалари, сув билан ўз вақтида таъминланди. Бу чиқимларниям хўжаликнинг ўзи кўтарди.

— Сир бўлмаса, шартнома шартлари ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

— Бунинг ҳеч қандай сири йўқ. Натижадан ҳар икки томон бирдай манфаатдор бўлса ва тузилган шартномага амал қилинса, бас. Тўғри, баъзида бутун умидини яратилажак ҳосилга қаратган деҳқоннинг манфаатдорлигига юзаки қараймиз. Айтмоқчиманки, шартларимиз анча оғир бўлади. Оқибатда ижарачининг ишдан кўнгли совийди. Айрим ҳолларда эса ўзи етиштирган ҳосилнинг бир қисмини яшириб қолиш йўлларини қидиради.

Биз бу гал шартнома тузишда ҳар икки томоннинг манфаатига хизмат қиладиган йўлни танладик. Юқорида айтилганидек, деярли ҳамма харажатлар хўжалик ҳисобидан қопланадиган бўлди. Ижарачи гектаридан 25 центнердан ҳосил олиб берса, бас.

— Пудратчиларга қанча қолади?

— Ҳосилни йиғиштириб олишга энди киришдик. Камида 375 тонна картошка олишимиз керак.

Куз оёқлаяпти-ю, тумандаги «Қўштепа», Амир Темур номли хўжаликларда иш қизигандан-қизиган. Буғдой ўрнига экилган майдонлардаги картошкани йиғиштириб олаётган деҳқоннинг эса хирмондан кўнгли тўқ. Кайфияти баланд.

### Кўкчанинг йигирувчи қизлари



<u>*Кейинги йилларда мамлакатимиз пойтахтида жаҳон андозаларига мос кўплаб замонавий саноат иншоотлари фойдаланишга топширилди. Кўкчадаги «Қобул-ўзбек-Ко» қўшма корхонаси шулардан биридир. Ҳозир бу ерда асосан маҳаллий ёшлар меҳнат қилиб, пахта хомашёсидан сифатли калава ип ишлаб чиқаришмоқда. Уларнинг маданий дам олишлари учун барча шарт-шароит яратилган. Шуниси эътиборлики, Ўзбекистон-Корея ҳамкорлигида барпо этилган мазкур корхона маҳсулотларининг асосий қисми хорижга сотилиб, катта иқтисодий самара олинаяпти.*</u>



СУРАТЛАРДА: лаборатория ходимлари Д. Аҳмедова ва М. Зокирова ўз касбининг усталари саналади; кореялик менежер Ж. Пак ишчи ёшлар даврасида.

**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.**

**Азиз муштарий! Сизга хуш кайфият тилаган ҳолда газетамиз учун обуна давом этаётганлигини маълум қиламиз.**

